

# Перевод Богослужения Часов на узбекский язык

## 1 час

Чтец: Келинглар, Подшоҳимиз Бизнинг Худомизга таъзим қиламиз.

Келинглар, Христосга, Бизнинг Подшомиз ва Худомизга таъзим қиламиз ва ергача букилиб тиз чукамиз.

Келинглар, Христосга, Бизнинг Подшомиз ва Худомизга таъзим қиламиз ва ергача букилиб тиз чукамиз.

### 5 забур

Эй Худованд,

Сўзларимни тинглагин,

Огоҳ бўлгил ниятимдан!

Нолаю фарёдимга қулоқ солгин,

Эй Подшоҳим ҳам Худойим!

Мен Сенга ибодат қилмоқдаман.

Тонг чоғи овозимни эшитасан, эй Худованд,

Тонг чоғи Сенинг олдингда ҳозир бўламан,

Интизорлик-ла кўз тутаман Сен томон.

Сен ёвузликни хуш кўрмайдиган Тангрисан,

Нопок одам жой топмас Сенинг ҳузурингда,

Такаббур эса қад кўтармас қаршингда.

Нафрат этасан жами бадкирдорлардан,

Ёлғон сўзловчини Ўзинг маҳв этасан.

Ҳа, Худованд конхўру маккордан жирканур.

Мен эсам, раҳминг кўплиги туфайли

Сенинг уйингга кираман.

Муқаддас маъбадинг томон бош эгиб,

Сенга хос кўрқинч ила сажда қиламан.

Ёвларим-чун мени ҳақиқат йўлингга бошла,

Ўз йўлингни равон қилгин олдимда,

Эй Худованд!

Уларнинг оғзида тўғрилиқ йўқдир,

Касофатдир уларнинг ботини.  
Бўғизлари – очик қабр,  
Сўзлари – фақат тилёғлама.  
Эй Худойим, уларни гуноҳкор бил!  
Ёмон ниятлари ўзларига урсин!  
Гуноҳлари кўплиги боис уларни даф қил!  
Чунки улар Сенга қарши исён қилдилар.  
Сендан паноҳ топган ҳамма севингай,  
Доимо қувониб тараннум этишгай.  
Уларни Ўзинг ҳимоя қилурсан,  
Номингни севгучилар Сен-ла шод бўлгай.  
Эй Худованд,  
Солиҳга Ўзинг барака берурсан,  
Лутфу карамингни қалқондай қилиб,  
Унинг ила солиҳни ўраб олурсан.

89 забур

Сен барча насларимизга паноҳ эдинг.  
Тоғлар вужудга келмасидан олдин,  
Ер ва коинот бунёд бўлмасидан бурун,  
Азалдан ва илалабад Сен Тангрисан.  
Сен инсонни тупроққа қайтарасан,  
«Эй одам ўғиллари, қайтинглар!» – дейсан.  
Мана, Сенинг назарингда минг йил –  
Ўтиб кетган кечаги кун каби,  
Бир тун қоровуллиги қадардир.  
Одамларни селдай супуриб ташлайсан,  
Улар уйқу сингари ўтиб кетадилар,  
Субҳда кўкариб чиққан ўтга ўхшайдилар.  
Субҳда ўт кўкариб гул очар,  
Оқшомда эса сўлиб, куриб кетар.

Мана, Сенинг қаҳр-ғазабингдан  
Биз ваҳималаниб, тугаб боряпмиз.  
Сен гуноҳларимизни қаршингга келтирдинг,  
Сирли ишларимизни юзинг нурига чиқариб қўйдинг.  
Бор кунларимиз Сенинг ғазабинг остида ўтди,  
Йилларимизни оҳ билан бой бериб қўйдик.  
Умримиз муддати етмиш йил экан,  
Ёки бардамлик берса саксон йил экан,  
Унинг чўққиси ҳам жафо ва заҳматдир.  
Ҳаёт тезлик билан ўтар,  
Мана, биз учиб кетамиз!  
Ғазабинг шиддатига кимнинг фаҳми етар?  
Қаҳринг даҳшатини ким ўлчар экан?  
Кунларимизни санашни бизга ўргатгин,  
Токи доно қалб эгаси бўлайлик!  
Қайтгин бизга, эй Худованд, қачонгача..?  
Қулларингга раҳм айлагин!  
Субҳда яна июннинг ила бизни тўйдиргин,  
Токи умримиз борича шод бўлиб куйлайлик.  
Бизни ранжитган кунлар эвазига,  
Балога йўлиқтирган йиллар эвазига  
Бизни тағин севинтиргин!  
Қулларингга улуғ ишларингни кўрсатгин,  
Қулларинг ўғилларига ҳам улуғлигинг ошкор бўлсин!  
Ё Раббимиз Худо, марҳаматинг бизга ёр бўлсин,  
Қўлларимизга Ўзинг барака ато этгин,  
Қўл урган барча ишларимиз ўнгсин!

100 забур

Лутфу караминг ва адолатингни куйлаб,  
Сени тараннум этаман, эй Худованд.

Бенуксонлик йўли ҳақида фикр юритаман.

Сен қачон мен томонга келасан?

Хонадоним ичра соф дилим ила юраман.

Разил нарсани кўз ўнгимга келтирмайман,

Бузуқилар қилмишидан нафратланаман,

Бундай нарса менга ёпишмас асло.

Терс кўнгил мендан узоқлашади,

Ёвузлар билан алоқам бўлмайди.

Дўстини орқаворотдан ғийбат қилганни

Мен йўқ қиламан – чидай олмайман ҳеч

Кўзлари мағрур, ўзига бино қўйган одамга.

Кўзларим мамлакатнинг мўминларидадир,

Улар менинг соямда ўрнашурлар.

Софдил одам менга хизмат қилур.

Ҳийлагарлар менинг ҳузуримда яшамас,

Ёлғончилар турмас ҳеч қаршимда.

Саҳар демай мамлакатнинг бари фосиқларин

Йўқ қиламан – қуритиб ташлайман-да

Бадкирдорлар илдизин Худованд шаҳридан.

Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин! Аллилуйя, аллилуйя, аллилуйя, бизнинг Худойимизга ҳамду-санолар бўлсин. Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади).

Эй Марҳаматли Зот, Сени нима деб чақирай? / Осмон дебми? Зеро Сен орқали ҳақиқат Қуёши порлади. / Жаннат дебми? Зеро Сен чиримас Гулни яратдинг. / Бокира дебми? Зеро Сен абадий ўзгармайсан. / Покиза Она дебми? Зеро Сен ҳамманинг Худоси бўлмиш Ўғилни муқаддас кучоғингда ушладинг. / Жонимиз қутқарилиши учун Унга тоат-ибодат қил.

Амринг ила қадамларимни тўғри қил, Ҳеч бир ёмонлик менга ҳукмрон бўлмасин!

Инсон жабридан мени қутқаргин, Буйруқларингни тутиб борайин!

Қулингга мунаввар юзингни кўрсатгин, Низом-қоидаларингни ўргатгин менга!

Савлатинг кун бўйи кўз ўнгимда менинг, Ҳамду санойинг тушмас тилимдан менинг!

Илоҳий Худо, Илоҳий Кучли, Илоҳий Боқий, бизларни кечиргин (уч марта ўқилади).

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Илоҳий учликка ибодат Илоҳий Учлик, бизларни кечиргин. Худойим, бизларни гуноҳлардан фориғ эт; Эгамиз, бизларнинг қонунсизликларимизни кечир; Илоҳим, бизларга ташриф буюр ва Сенинг исмингни янада мушарраф этиш учун бизларни қасалликлардан фориғ эт. Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади)

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин. Бугунги ризқрўзимизни бергин. Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.

Священник: Салтанат, куч-қудрат ва шон-шуҳрат то абад Сеникидир.

Чтец: Омин.

Худойим ўзинг кечир (курк марта ўқилади).

Ҳар қандай пайтда ва ҳар қандай ҳолатда, ердаги ва осмондаги олқишларни ва топинишларни қабул қилувчи, сабр-тоқатли, меҳрибон, эзгу, солиҳларни севувчи ва гуноҳкорларни кечирувчи, келажакда эзгулик ваъда қилган ҳолда ҳаммани нажот топишга чақирувчи Худонинг Масиҳи! Раббим мана шу онда дуоларимизни қабул айлагин ва ҳаётимизни Амрларингга қарата

йўналтиргин: жонимизни муқаддаслагин, танамизни поклагин, фикрларимизни тўғирлагин, ўйларимизни тозалагин ва бизни ҳар қандай қайғу, ғам ва азоблардан озод қилгин. Ўз муқаддас Фаришталаринг билан бизни ҳимоя қилгин, токи уларнинг ҳимояси ва насиҳати остида имонда бирликка эришайлик ва забт этиб бўлмас Улуғворлигингни тушиниб етайлик. Сенга абадул абад ҳамду санолар бўлсин. Омин.

Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади). Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Сен Херувимлардан ҳам кўпроқ ҳурматга лойиқсан ва албатта шуҳратинг билан Серафимлардан юқори турасан, Сен оғриқларсиз Худо Сўзини дунёга келтирдинг ва биз сени Худони дунёга келтирган ҳақиқий аёл сифатида улуғлаймиз.

Чтец: Ота, Раббимиз номи билан бизни марҳаматлагин.

Священник: Эй Худо, бизга раҳм қилгин ва марҳаматлагин, нурингни бизга сочгин ва гуноҳларимизни кечиргин!

Чтец: Омин.

Священник: Бу дунёга келган ҳар қандай инсонга зиё берувчи ва покловчи ҳақиқат Нури Масихдадир! Юзинг нурини бизга ато этгин, токи унда абадий нур порласин ва оёқларимизни амрларингни бажо айлаш учун йўналтиргин. Муқаддас Онанг ва барча муқаддасларинг ибодати бўйича сўраймиз. Омин.

Олқишлар бўлсин, умидимиз бўлмиш Масихдаги Худога олқишлар бўлсин!

Община (или хор): Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин! Худойим узимиз кечир (уч марта). Марҳаматлагин!

**3 час**

Священник: Раббимиз Худога ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин.

Чтец: Омин.

Сенга, бизнинг Худойимизга ҳамду-санолар бўлсин, Сенга ҳамдусанолар бўлсин.

Илоҳий руҳга ибодат Жаннат Подшоси, Таскинлантирувчи, ҳақиқат Руҳи, ҳар жойда бўлувчи ва бутун оламини тўлдирувчи, мурувват Манбаси ва ҳаёт Берувчи, келгин ва бизларда жо бўлгин; бизларни ҳар хил гуноҳлардан фориғ эт ва Мурувватпарваримиз, бизларинг қалбларимизни қутқаргин.

Илоҳий Худо, Илоҳий Кучли, Илоҳий Боқий, бизларни кечиргин (уч марта ўқилади).

Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Илоҳий учликка ибодат Илоҳий Учлик, бизларни кечиргин. Худойим, бизларни гуноҳлардан фориғ эт; Эгамиз, бизларнинг қонунсизликларимизни кечир; Илоҳим, бизларга ташриф буюр ва Сенинг исмингни янада мушарраф этиш учун бизларни қасалликлардан фориғ эт.

Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади)

Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин. Бугунги ризқрўзимизни бергин. Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.

Священник: Салтанат, куч-қудрат ва шон-шуҳрат то абад Сеникидир.

Чтец: Омин.

Худойим ўзинг кечир (ун икки марта ўқилади).

Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!



Келинглар, Подшоҳимиз Бизнинг Худомизга таъзим қиламиз.

Келинглар, Христосга, Бизнинг Подшомиз ва Худомизга таъзим қиламиз ва ергача буқилиб тиз чукамиз.

Келинглар, Христосга, Бизнинг Подшомиз ва Худомизга таъзим қиламиз ва ергача буқилиб тиз чукамиз.

## 16 забур

Эй Худованд, салоҳга эътибор бергин,

Дод-фарёдимга кулоқ солгин,

Макрсиз ириндан унган ибодатимни тинглагин!

Юзимни Ўзинг ёруғ қилгин,

Кўзларинг тўғрилиқка етаклансин!

Дилимни синаб, кечалари мени йўқладинг,

Имтиҳон қилдингу, бирор ёмон ниятни топмадинг.

Чунон тилим ила дилим бирдир менинг.

Одамлар иш-амалига келганда дейман:

Мен Сенинг каломингга риоя қилдим,

Ғаддор йўлларида ўзимни тийдим.

Қадамларимни Ўз роҳингда собит қилгин,

Токи оёқларим зинҳор тебранмасин.

Сенга нола қиламан, эй Тангрим,

Чунки Сен менга жавоб берарсан.

Қулоғингни менга тутгин, тингла сўзимни!

Ажойиб меҳр-иноятингни кўрсатгин,

Эй, илтижо қилувчиларнинг Халоскори!

Сенинг қўлинг ҳимоясида

Осийлардан паноҳ топса бўлади.

Кўз қорачиғидай асрагин мени,

Ўз қанотларинг соясида яширгин мени

Зарба берган бетавфиқлардан,

Ҳар ёқдан ўраб олган жон душманидан!  
Уларнинг юрагини-ку ёғ босган,  
Оғизлари мақтанишдан гупурмоқда.  
Ҳар қадамда бизни таъқиб этиб,  
Ҳар томонлама ўраб олмоқдалар,  
Ерга урмоқ учун пусиб ётибдилар.  
Улар овга зорикқан арслонга,  
Пистирмада пойлаб ётган қоплонга ўхшар.  
Эй Худованд, тургин!  
Уларнинг олдини олиб, қулатгин!  
Ўз қиличинг-ла жонимни фосиқлар қўлидан тортиб олгин!  
Эй Худованд, шундай одамлардан,  
Ҳа, шу жаҳоннинг одамларидан  
Ўз қўлинг билан мени халос қилгин!  
Улар насибаларини бу ҳаётдаёқ олмоқдалар.  
Сен уларга раво кўрган озиқ билан қорнини тўқ қил!  
Ўғиллари қорнини ҳам тўқ қил!  
Ҳатто келажак авлодга ҳам ортиб қолсин!  
Мен эса салоҳ ила Сенинг сиймонгни кўргайман,  
Уйғонганим замон Сенинг дийдорингга тўярман.

#### 24 забур

Сенга, эй Худованд, дилимни йўллайман.  
Сенга таваккал қиламан, эй Худойим!  
Мен шарманда бўлмайин,  
Душманларим тантана қилмасин устимдан!  
Сенга умид боғлаган ҳеч ким шарманда бўлмас;  
Сабабсиз хоинлик қилганлар эса шармандаю шармисор бўлсин.  
Эй Худованд, менга Ўз йўлингни кўрсатгин,  
Ўз йўриқларингни ўргатгин менга.  
Мени ҳақиқатинг йўлидан бошлаб, ўргатгин,

Чунки Нажоткор Худойим Ўзингсан,  
Кундан-кун умидим Сенда.  
Эй Худованд, Ўз марҳаматингни,  
Азалий иноятларингни эслаб тур!  
Ёшлик чоғида қилган гуноҳларим  
Ва жиноятларимни эсга солма.  
Ўз раҳмингу мурувватингни ёдлаб,  
Менга раҳм айлагин, эй Худованд!  
Худованд мурувватли ва адолатлидир,  
У гуноҳкорларга йўл-йўриқ кўрсатур.  
Бўйсунганларни тўғри йўлга бошлар,  
Беозорларга Ўзи раҳнамо бўлар.  
Ўзининг аҳду низомин тутганлар учун  
Худованднинг барча йўллари иноят ва ҳақиқатдир.  
Эй Худованд,  
Ўз номинг хотири учун гуноҳимдан ўтгил,  
Чунки кўпдир менинг гуноҳим.  
Худованддан кўрққан одам ким?  
Танлайдиган йўлини унга Ўзи кўрсатар.  
Жон-тани фароғатга эришар,  
Зурриёти эса ерга эга бўлар.  
Худованд Ўз сирини худотарсларга очар,  
Ундан кўрққанларга илоҳий аҳд насиб этар.  
Кўзларим доим Худованддадир,  
Оёғимни Ўзи тўрдан тортиб олар.  
Менга назар солиб, меҳрибонлик қилгин,  
Чунки мен ёлғиз ва тушкунман.  
Юрагимда дард тўлиб-тошган,  
Балоларимдан мени қутқаргин!  
Тушкунлигим ва эзилганлигимни кўргил,

Барча гуноҳларимдан кечгил!  
Душманларимни кўргин, қанчалик кўпайган улар!  
Ашаддий нафрат сочиб менга қасд қилмоқдалар.  
Жонимни Ўзинг сақла, халос қилгин мени!  
Сендан паноҳ топдим деб шарманда бўлмайин.  
Софлик ва тўғрилиқ сақласин мени,  
Чунки Сенга умид боғлаганман.  
Эй Худо, Исроилни барча дардларидан қутқаргин!

### 50 забур

Эй Худо, менга иноят қилиб,  
Меҳрибонлик кўрсатгин!  
Чексиз раҳм-шафқатинг туфайли  
Қонунсиз ишимдан кечиб юборгин!  
Айбимни тамоман ювиб ташла,  
Гуноҳимдан мени тозалагин!  
Қилмишимни қонунсизлик деб тан оламан,  
Қилган гуноҳим кўз ўнгимдадир мудом.  
Мен Сенга, фақат Сенга қарши гуноҳ қилдим,  
Сенинг кўз олдинда ёмонлик қилдим.  
Сен эса сўзингда доим барҳақсан,  
Ҳукм қилганингда фақат одилсан.  
Мен гуноҳкор бўлиб дунёга келганман,  
Онам мени гуноҳ ичида туққан экан.  
Сен кўнгиллардан ҳақиқатни қидирасан,  
Яширин қалбимга ҳикматни ўргатасан.  
Мени иссоп билан тозала, пок бўлай,  
Мени ювгин, қордан ҳам оқ бўлай!  
Менга шодлиғу хурсандлик муждасин келтир,  
Сен эзган суяқларимга яна жону қувонч кирсин!  
Гуноҳларимдан юзингни ўгиргин,

Барча ёмонликларимдан кечиб юборгин!  
Эй Худо, менда пок юракни яратгин,  
Ичимда янги, собит руҳни бунёд этгин.  
Мени Ўзингдан узоқлаштириб ташлама,  
Ўз Муқаддас Руҳингни мендан олма.  
Нажотинг ила мени қайта қувонтиргин,  
Иродали руҳ ила мени мустаҳкамлагин.  
Қонунбузарларга Сенинг йўлларингни ўргатаман,  
Гуноҳкорлар Сенга қайтиб келсинлар.  
Қонимдан ўтавергин, эй Худойим, Нажоткорим,  
Сенинг адолатингни тараннум этсин тилим.  
Қулфи дилимни Ўзинг очиб юборгин, ё Раббий,  
Тилимдан тушмасин энди Сенинг саноларинг!  
Сен қурбонликни хоҳламассан,  
Акс ҳолда уни сўйиб келтирар эдим;  
Куйдирилган бағишловдан ҳам рози бўлмассан.  
Худога маъқул бўладиган қурбонлик – бузилган кўнгилдир.  
Бузилган, эзилган кўнгилни Сен хорламассан, эй Худо.  
Сионга лутфу карам айлагин,  
Қуддус деворларини обод қилгин!  
Ўшанда ҳалол қурбонликлар келтирилажак,  
Ўшанда ёқиладиган қурбонликлар тутуни  
Сенинг ризолигингни топажак,  
Қурбонгоҳингда новвослар қурбон қилинажак.  
Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин! Аллилуйя, аллилуйя, аллилуйя, бизнинг Худойимизга ҳамду-санолар бўлсин. Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади).

Худонинг Онаси (Худо Ўғлининг Онаси), Сен – бизнинг ҳаётимиздаги Ҳосилни келтирувчи ҳақиқий токсан. / Сендан ўтинамиз: Ҳукмрон Она

жонларимиз кечирим топиши учун, Ҳаворийлар ва барча муқаддаслар билан бирга биз учун шафоат қилгин.

Ҳар куни Раббимизни олқишланг!

Худо бизга оғирлик қўйса-да,

Бизни Ўзи халос қилади.

Худо биз учун Халоскор Тангридир,

Қодир Раббимиз қўлидадир ўлимдан нажот.

Илоҳий Худо, Илоҳий Кучли, Илоҳий Боқий, бизларни кечиргин (уч марта ўқилади).

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Илоҳий учликка ибодат Илоҳий Учлик, бизларни кечиргин. Худойим, бизларни гуноҳлардан фориғ эт; Эгамиз, бизларнинг қонунсизликларимизни кечир; Илоҳим, бизларга ташриф буюр ва Сенинг исмингни янада мушарраф этиш учун бизларни қасалликлардан фориғ эт.

Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади)

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин. Бугунги ризқрўзимизни бергин. Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.

Священник: Салтанат, куч-қудрат ва шон-шуҳрат то абад Сеникидир.

Чтец: Омин.

Худойим ўзинг кечир (курк марта ўқилади).

Ҳар қандай пайтда ва ҳар қандай ҳолатда, ердаги ва осмондаги олқишларни ва топинишларни қабул қилувчи, сабр-тоқатли, меҳрибон, эзгу, солиҳларни севувчи ва гуноҳкорларни кечирувчи, келажада эзгулик ваъда қилган ҳолда

хаммани нажот топишга чакирувчи Худонинг Масихи! Раббим мана шу онда дуоларимизни қабул айлагин ва ҳаётимизни Амрларингга қарата йўналтиргин: жонимизни муқаддаслагин, танамизни поклагин, фикрларимизни тўғирлагин, ўйларимизни тозалагин ва бизни ҳар қандай қайғу, ғам ва азоблардан озод қилгин. Ўз муқаддас Фаришталаринг билан бизни ҳимоя қилгин, токи уларнинг ҳимояси ва насиҳати остида имонда бирликка эришайлик ва забт этиб бўлмас Улуғворлигингни тушиниб етайлик. Сенга абадул абад ҳамду санолар бўлсин. Омин.

Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади). Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Сен Херувимлардан ҳам кўпроқ ҳурматга лойиқсан ва албатта шуҳратинг билан Серафимлардан юқори турасан, Сен оғриқларсиз Худо Сўзини дунёга келтирдинг ва биз сени Худони дунёга келтирган ҳақиқий аёл сифатида улуғлаймиз.

Ота, Раббимиз номи билан бизни марҳаматлагин.

Священник: Раббимиз Исо Масихдаги муқаддас оталаримиз ибодати бўйича сўраймиз, Худованд бизни кечиргин.

Чтец: Омин.

Хукмрон Худо, Парвардигор Ота, Раббимиз Исо Масих қиёфасидаги Ягона Ўғил ва Муқаддас Рух! Ягона Худованд, ягона Қудрат соҳиби, мен гуноҳкорни кечиргин ва налойиқ қулинг бўлмиш мени, Ўзингга маълум бўлган йўллар билан қутқаргин. Сенга абадул абад ҳамду санолар бўлсин. Омин.

## 6 час

Келинглар, Подшоҳимиз Бизнинг Худомизга таъзим қиламиз.

Келинглар, Христосга, Бизнинг Подшомиз ва Худомизга таъзим қиламиз ва ергача букилиб тиз чукамиз.

Келинглар, Христосга, Бизнинг Подшомиз ва Худомизга таъзим қиламиз ва ергача букилиб тиз чукамиз.

### 53 забур

Эй Худо, Исминг хақи учун мени қутқаргин,  
Қудратинг ила ҳуқуқимни ҳимоя қилгин!  
Ибодатимни тинглагин, эй Худо,  
Сўзларимга кулоқ бергин!  
Ажнабийлар менга қарши оёқ кўтарди,  
Золимлар жонимга қасд қилдилар;  
Улар Худони писанд қилмайдилар.  
Мана қаранг, Худо менга ёрдамчидир,  
Раббимнинг Ўзи жонимни асрайди.  
У офатни мендан қайтариб,  
Ёвларимнинг ўз бошига солади.  
Ҳақиқатинг хақи уларни маҳв қил, эй Худованд!  
Сенга чин кўнгилдан қурбонлик келтириб,  
Исмингга шукрлар дейман, ё Раббим,  
Чунки эзгудир Сенинг исминг.  
Сен мени ҳар қандай кулфатдан қутқардинг,  
Ёвларимнинг шармандалигини менга кўрсатдинг.

### 54 забур

Эй Худо, Ибодатимга кулоқ солгин,  
Юз ўғирма муножотимдан!  
Мени яхши тинглаб, жавоб бергин!  
Мен қайғуга ботиб, фиғон чекапман.  
Душман дўқ-пўписа қилаётир,  
Фосиқ жабр-ситама айламоқда;  
Улар менга кулфат келтирмоқчи,  
Қаҳр-зўғим ва хусумат ёғдирмоқдалар.  
Бағримда юрагим ўйнапти,  
Устимга ўлим даҳшатлари тушди.



Менга кўрқув ва титроқ келди,  
Ваҳима босиб олди юрагимни.  
Кошки кабутарнинг қаноти менда бўлса эди,  
Учар ва роҳат ҳам топар эдим, дедим.  
Ҳа, узоқларга учиб кетиб,  
Чўл-биёбонда кўнолға топар эдим.  
Қирон ва бўрондан тез қочиб,  
Бекинар жой қидириб топар эдим.  
Ё Раббий, Сен уларни яксон қил,  
Тилларидан айириб ташла!  
Шаҳарда фақат зўравонлик ва ғавғони кўряпман.  
Кечаю кундуз шаҳар деворлари устида юрибдилар,  
Шаҳар гуноҳ ва кулфат билан тўлиб-тошган.  
Унинг ўртасида бузукчилик ҳоким,  
Ҳийлаю фириб майдонларидан чиқмай қолди.  
Мени ҳақорат қилаётган душман эмас,  
Акс ҳолда чидар эдим.  
Менга ағёрлик қилаётган ёв эмас,  
Йўқса ундан қочар эдим.  
Аммо сен ўзингсан, менинг тенгқурим,  
Ўртоғим, менинг жон дўстим!  
Биз қандай бирга ширин суҳбатлар қилиб,  
Оломон билан Худо уйига кириб чиқар эдик...  
Ўлим уларнинг бошига келсин,  
Тамуғга тириклигича кетсинлар!  
Уларнинг уйларидаю ичларида – фақат ёвузлик.  
Мен бўлсам, Худони чақиряпман,  
Худованд менга нажот берар.  
Оқшом, субҳ ва қиёмда фарёд этиб,  
Ташвишмандлар ноласини қиляпман.

Худованд менинг товушимни эшитар.  
Қаршимда кўпчилик саф тортган бўлса-да,  
Жангдан жонимни Ўзи қутқарар,  
Мени соғ-саломат сақлаб қолар.  
Азалдан Тангри Ўз тахтида ўлтирибди,  
У эшитади ва уларни жиловлайди.  
Улар тавба-тазарруга ёндашмайди,  
Худодан ҳам қўрқмайдилар.  
Тинч аҳолига қўл узатиб,  
Аҳд-паймонни бузиб юрибдилар.  
Уларнинг тили ёғдай бўлса ҳам,  
Лекин юракларида ҳарбу зарб бор.  
Сўзлари ҳалимдек бўлса-да,  
Лекин ўзлари – яланғоч қиличдир.  
Ташвишингни Худовандга ташлаб кет,  
Унинг Ўзи сенга таянчиқ бўлур.  
Солиҳнинг йиқилишига У абадий йўл бермас.  
Қонхўр ва ҳийлагар одамларни эса  
Ўзинг ҳалокат чоҳига ташлайсан, эй Худо,  
Улар умрининг ярмини ҳам яшамайдилар.  
Менинг эса Сенга ишончим комил.

90 забур

Кимки Худойи Таолонинг паноҳида яшар,  
Қодир Тангри соясида ором топар экан,  
У Худовандга айтади:  
Ўзингсан бошпанам, қасрим менинг,  
Умидим фақат Сенда, эй Худойим!  
Худо сени овчи қопқонидан ҳам,  
Вабо-қазодан ҳам халос этар.  
У Ўз парлари билан сени ёпар,

Қанотлари остида бехатар бўласан;  
Ҳақиқати сенга қалқон ва тўсиқ бўлар.

На тунги ваҳимадан қўрқасан,  
На кундузи учаётган ўқдан,  
На зулматда кезувчи вабодан,  
На қиём чоғи қирувчи ўлатдан.

Сенинг ёнингда мингтаси йиқилиб,  
Туман қулаб кетса-да ўнг ёғингда,  
Бало-қазо сенга яқин йўламас.

Сен фақат кўзларинг билан боқиб,  
Фосиқларга берилган жазони кўрасан.

Худовандни паноҳим деб билганинг учун,  
Ҳақ Таолони кўрғоним деганинг учун,  
Тушмас бошингга бирон-бир фалокат,  
Йўламас чодирингга ҳам қандайдир ўлат.

У Ўз фаришталарига сен ҳақда амр этгай,  
Токи бутун йўлларингда сени асрасинлар.

Улар сени қўлларида кўтариб кетар,  
Оёғинг ҳам тошга қоқилиб кетмас.

Шер ва бўғма илон устидан босиб ўтасан,  
Арслон ва аждарни эзиб ташлайсан.

«У Менга меҳр боғлагани-чун қутқазаман,  
Номимни тан олгани-чун омон сақлайман.

У Мени чақирган чоғида жавоб бераман,  
Қайғули кунида у билан бирга бўламан,  
Уни халос этиб ҳурматга сазовор қиламан.

Узоқ умр бериб кўнглини тўйғазаман,  
Нажоткорлигимни унга намоён қиламан».

Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин! Аллилуйя, аллилуйя, аллилуйя, бизнинг Худойимизга

хамду-санолар бўлсин. Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади).

Кўп гуноҳларимиз туфайли бизда журъат йўқ, / бироқ Сен, Бокира Худонинг  
Онаси (Худо Ўғлининг Онаси), Ўзингдан туғилган Зотга шафоат қилгин! /  
Зеро Онанинг эзгулик Ҳукмдорига бўлган илтижоси кўп кучга эгадир. /  
Покларнинг Поки, биз гуноҳкорларнинг илтижосидан юз ўгирмагин, / зеро  
биз учун азоб чеккан Зот / меҳрибондир ва қутқариш учун кучга эгадир.

Оталаримизнинг гуноҳларини бизга эслатма,

Дарров раҳм-шафқатингни биз томон йўлла!

Чунки биз жуда ҳам хўрландик.

Эй, нажоткор Худомиз!

Исминг ҳурмати учун бизга ёрдам бергин,

Ўз номинг хотири учун бизни қутқаргин,

Гуноҳларимиздан кечиб юборгин!

Илоҳий Худо, Илоҳий Кучли, Илоҳий Боқий, бизларни кечиргин (уч марта ўқилади).

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Илоҳий учликка ибодат Илоҳий Учлик, бизларни кечиргин. Худойим, бизларни гуноҳлардан фориғ эт; Эгамиз, бизларнинг қонунсизликларимизни кечир; Илоҳим, бизларга ташриф буюр ва Сенинг исмингни янада мушарраф этиш учун бизларни кассалликлардан фориғ эт.

Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади)

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажақда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин. Бугунги ризқрўзимизни бергин. Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага

дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.

Священник: Салтанат, куч-қудрат ва шон-шуҳрат то абад Сеникидир.

Чтец: Омин.

Худойим ўзинг кечир (курк марта ўқилади).

Ҳар қандай пайтда ва ҳар қандай ҳолатда, ердаги ва осмондаги олқишларни ва топинишларни қабул қилувчи, сабр-тоқатли, меҳрибон, эзгу, солихларни севувчи ва гуноҳкорларни кечирувчи, келажада эзгулик ваъда қилган ҳолда ҳаммани нажот топишга чақирувчи Худонинг Масихи! Раббим мана шу онда дуоларимизни қабул айлагин ва ҳаётимизни Амрларингга қарата йўналтиргин: жонимизни муқаддаслагин, танаимизни поклагин, фикрларимизни тўғирлагин, ўйларимизни тозалагин ва бизни ҳар қандай қайғу, ғам ва азоблардан озод қилгин. Ўз муқаддас Фаришталаринг билан бизни ҳимоя қилгин, токи уларнинг ҳимояси ва насиҳати остида имонда бирликка эришайлик ва забт этиб бўлмас Улуғворлигингни тушиниб етайлик. Сенга абадул абад ҳамду санолар бўлсин. Омин.

Худойим ўзинг кечир (уч марта ўқилади). Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин!

Сен Херувимлардан ҳам кўпроқ ҳурматга лойиқсан ва албатта шуҳратинг билан Серафимлардан юқори турасан, Сен оғриқларсиз Худо Сўзини дунёга келтирдинг ва биз сени Худони дунёга келтирган ҳақиқий аёл сифатида улуғлаймиз.

Ота, Раббимиз номи билан бизни марҳаматлагин.

Священник: Раббимиз Исо Масихдаги муқаддас оталаримиз ибодати бўйича сўраймиз, Худованд бизни кечиргин.

Чтец: Омин.

Қудратли Раббимиз ва бутун дунё Яратувчиси бўлган Худо, Ўзингнинг такрорланмас иноятинг бўйича, Ягона Тўнғич Ўғлинг бўлмиш Раббимиз Исо Масихни, инсониятни қутқариш учун жўнатдинг! Сен Ўғлингнинг муқаддас

Хочи орқали ёзилган гуноҳларимизни кечирдинг ва шу орқали ёвуз кучлар ва хокимиятлар устидан ғалаба қозондинг! Инсониятни яхши кўрувчи Парвардигор, биз гуноҳкорлар номидан ушбу миннатдорчилик ва ўтинч сўровларимизни қабул қилгин. Бизни зулматнинг қоронғу ва ўлимга дучор қилувчи гуноҳларидан озод қилгин. Кўринадиган ва кўринмайдиган душманларимиз бизга қарши қилмоқчи бўлган барча ёвузликлардан холос қилгин. Танамизни Ўз олдингда қўрқув ила хочга михлагин. Юракларимиз каломингдан четлашишига ва нотўғри фикрларга қараб кетишига йўл қўймагин, бироқ қалбимизда Сенга нисбатан севги ўтини уйғотгин, токи биз хар доим Сенга қараб ва Сендан чиқаётган нурдан баҳра олиб, мустаҳкам ва абадий Нур бўлмиш Ўзингга тўхтамасдан шукроналар ва миннатдорчиликлар билдирайлик. Бошланиши йўқ Ота, муқаддаслар ичра муқаддас ва эзгу Ягона Тўнғич Ўғил, жон баҳшида қилувчи Муқаддас Рухинг номига абадул абад шон-шарафлар бўлсин. Омин.

Священник: Олқишлар бўлсин, умидимиз бўлмиш Масихдаги Худога олқишлар бўлсин!

Община (или хор): Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номидан ҳозир ва келажакда, абадий шон-шарафлар бўлсин! Худойим узинг кечир (уч марта). Марҳаматлагин!